

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРУФОВА ЗУЛФИЯ НАБИЕВНА

МУМТОЗ БАДИИЙ МАТНЛАРДА “ГЎЗАЛЛИК”
КОНЦЕПТИНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

УЎК: 811.512.133'373
821.512.133.09-1

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Маруфова Зулфия Набиевна

Мумтоз бадий матнларда “гўзаллик” концептининг вербаллашуви5

Маруфова Зулфия Набиевна

Вербализация концепта «красота» в классических художественных
текстах.....23

Marufova Zulfiya Nabiyevna

Verbalization of the concept "beauty" in classical literary texts45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАРУФОВА ЗУЛФИЯ НАБИЕВНА

МУМТОЗ БАДИЙ МАТНЛАРДА “ГЎЗАЛЛИК”
КОНЦЕПТИНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Fil2040 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим портали (www.ziyouet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Одилов Ёркинжон Раҳмоналиевич
филология фанлари доктори, профессор
Жамолиддинова Дилноза Мирхожиддиновна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "29" ИЮН соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: farduinfo@umail.ru)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (165 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (99873) 244-44-02

Диссертация автореферати 2022 йил "15" ИЮН куни тарқатилди.
(2022 йил "15" ИЮН даги 49 рақамли рўйхатга олинган)



А.Сабирдинов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. фан. д., доцент

М.Зокиров
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент

А.Мамажонов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.фан.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ҳар қандай тил тарихий тадрижининг, тил ва тафаккур муносабатининг муайян даврдаги тараққиёт босқичларига ҳос ўзгаришлар халқ тафаккури ва қадриятлари маҳсули бўлган бадиий матнлар тадқиқи асосида белгиланади. Шунинг учун бугунги кунда тилшуносликда тил материалларининг когнитив аспектдаги тадқиқига кенг ўрин берилмоқда. Бу йўналишда мумтоз бадиий матнларнинг миллий-этник, эмоционал-эстетик тамойиллар асосидаги концептуал жиҳатларига эътибор кучайди. Маълум бир халқнинг миллий-маданий қадриятларини мумтоз бадиий матнлардаги етакчи концепт – “гўзаллик” тасавури ва унинг баҳо мезонлари мисолида таҳлил этиш миллий онг ҳамда бадиий тафаккур тараққиётини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида мумтоз асарларни концептуал таҳлил этиш, уларда акс этган халқ маънавий қадриятларини аниқлаш, лексик бирликларнинг концептни шакллантиришдаги ўрнини белгилаш масалаларига когнитив ёндашув тилнинг ментал табиатига доир аниқ ечимларга олиб келди. Бу йўналишда эришилган ютуқлар туркий халқлар миллий маданияти фониди, мумтоз матнларнинг лингвомаданий хусусиятлари асосида алоҳида концепт доирасидаги тарихий луғат фондини тизимлаштириш имконини беради. Ана шу жиҳатдан бадиий матнларда “гўзаллик” концептининг турли воситалар орқали вербаллашувини, бу тушунча доирасида эски ўзбек тили даврига ҳос тасвир имкониятларини, гўзалликнинг поэтик баҳоси ва шарқона эталонларини аниқлаш, бадиий матнлардаги лексик-семантик жараёнларни атрофлича таҳлил қилиш ва бу орқали ўзбек тилининг муҳим тарихий босқичига ҳос хусусиятларни умумлаштириш долзарб масалалардан саналади.

Ўзбек тилшунослигида мустақиллик йилларида антропоцентрик ва когнитив тилшунослик, концепт муаммолари доирасида қатор тадқиқотлар амалга оширилди, мумтоз матнлар таҳлиliga бағишланган изланишларга эътибор кучайди. Зеро, “туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир. Аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келган. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар”¹. Шундай экан, мазкур бадиий хазиналарда мужассам бўлган маънавий дурдоналарни илмий асосда тадқиқ этиш туркий халқларнинг, хусусан, ўзбек халқининг маънавий ва эстетик қарашларини, мумтоз матнларнинг лисоний хусусиятларини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

¹Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2019 йил, 22 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорлари, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда олам миллий манзараси муаммоси, тилда баҳонинг ифодаланиши, эстетик баҳо, концептлар ва уларнинг назарий тадқиқига бағишланган талқинларга эътибор кучая бошлади. Мазкур йўналишлар В. фон Гумбольдт, Р.В.Лангакер, Дж.П. Лакофф, Н.Д.Арутюнова, В.И.Карасик, Е.С.Кубрякова, Ю.В.Мещерякова, И.О.Окунева, Ю.В.Клинцова, Т.Н.Федотова, Л.И.Захарова, А.А.Потебня, А.Г.Вежбицкая, Ю.Д.Апресян, И.Ф.Стернин, Ю.С.Степанов, В.А.Маслова, К.В.Сборошенко, Н.Ф.Алефиренко, А.Т.Хроленко, И.О.Окунева, Р.Н.Попова, Э.Ж.Мунин, О.А.Корнилов; тожик тилшунослигида А.В.Арзуманов, Д.М.Искандарова, Н.И.Каримова, Р.Р.Раджабова, Н.К.Бойматоваларнинг тадқиқотларида кузатилади. Ўзбек тилшунослигида А.А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, М.Р.Галиева, А.Э.Маматов, М.Н.Холбеков, М.И.Расулова, Ў.Қ.Юсупов, А.А.Қамбаров, С.Р.Акбарова, Қ.Н.Назаров, М.М.Раҳматова, Н.Р.Умарова изланишларида муайян даражада ўрганилди.

Айнан “гўзаллик” концепти билан боғлиқ тадқиқотларда миллий-этник ва лингвомаданий хусусиятларга эътибор қаратилди. Жумладан, рус тилшуноси К.В.Сборошенко XX аср рус ва италян шоирларининг шеърларидаги “гўзаллик” концептини метафорик таҳлил асосида ёритиб берди². Ю.В.Мещерякованинг диссертацияси инглиз ва рус тилларидаги гўзаллик концептининг қиёсий ва лингвомаданий таҳлилларига бағишланган

² Сборошенко К.В. Метафорическая репрезентация концепта “красота” в современной поэзии (на материале стихотворений русских и итальянских поэтов XX века): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Челябинск, 2009.

бўлса³, А.В.Молчанованинг тадқиқотида Б.Пастернак асарларидаги гўзаллик концептининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди⁴. Е.А.Черкашина рус тилидаги гўзаллик ифодаси лексикографик материаллар ва фразеологик бирликлар асосида ўрганди⁵. И.О.Окуневанинг номзодлик диссертациясида рус ва инглиз тилларидаги “гўзаллик” концепти қиёсий аспектда тадқиқ қилинди⁶. Н.К.Бойматованинг номзодлик ишида тожик ва инглиз тилларидаги “гўзаллик” концептининг репрезентацияси қиёслаб ўрганилди⁷. М.М.Раҳматова “гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятларини ўзбек, инглиз ва тожик тиллари доирасида тадқиқ қилди⁸. Т.Яндашова эса ушбу концептнинг ифодаланиши ва лингвопоэтикасини ўзбек ва инглиз тилларининг қиёсий таҳлили асосида ёритиб берди⁹. Шу кунга қадар “гўзаллик” концептини ўрганишга бағишланган ишларнинг аксарияти бирдан ортиқ тиллар доирасида, қиёсий аспектда бажарилган бўлиб, мазкур ишда мумтоз бадиий матнларда “гўзаллик” концептининг ифодаланиши масаласи Лутфий, Саккокий, Атойи ва Гадоий шеърляти мисолида илк бор тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мумтоз бадиий матнларида “гўзаллик” концептининг вербаллашуви ҳамда мазкур концепт билан ўзаро ассоциациядаги бирликларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шарқона гўзалликнинг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш;
эски ўзбек адабий тилида “гўзаллик” концептининг вербаллашуви, шунингдек, мумтоз матнларда гўзалликнинг аксиологик хусусиятларини ўрганиш;

шарқ ва ғарбга хос “гўзаллик” тушунчаларининг умумий ва дифференциал жиҳатларини белгилаш;

шарқона “гўзаллик” тушунчаси, асосан, *аёл* тимсоли билан боғлиқ эканлиги ва бу “ишқ”, “муҳаббат” концептлари доирасида вербаллашувини ёритиб бериш;

³ Мещерякова Ю.В. Концепт “Красота” в английской и русской лингвокультурах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2004.

⁴ Молчанова А.В. Художественная концепция красоты в творчестве Б.Пастернака: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2010.

⁵ Черкашина Е.А. Концепт “Красота” в русском языке // Вестник ТГПИ, УДК 81 ББК 81.43

⁶ Окунева И.О. Концепт “Красота” в русском и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2009.

⁷ Бойматова Н.К. Семантическое поле концепта “Красота” в таджикской и английской лингвокультурах: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2019.

⁸ Раҳматова М.М. Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “Гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятлари: Фалс. д-ри(PhD) ... дисс. автореф. – Бухоро, 2019.

⁹ Яндашова Т. Ўзбек ва инглиз тилларида “гўзаллик” концептининг ифодаланиши ва лингвопоэтикаси: Фалс. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2021.

поэтик матнларда воқелантирилган миллий-этник ва эмоционал-эстетик баҳо даражасини белгилаш:

оламни лисоний концептуаллаштиришда лингвомаданий хусусиятларнинг етакчи ўрин тутишини асослаш;

гўзаллик ифодаловчи лексемалар структурасини лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш;

“гўзаллик” концептини вербаллаштирувчи когнитив механизмлар таркибини аниқлаш;

барқарор бирликлар воситасида воқелантирилган гўзаллик тасвирининг миллий-маданий хусусиятларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мумтоз бадиий матнлар, хусусан, XV аср ижодкорларидан Лутфий, Атойи, Саккокий ва Гадоий шеъриятидаги “гўзаллик” концептосферасига кирувчи концептлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети мумтоз адабиётдаги “гўзаллик” концептининг лексик, фразеологик ва контекстуал сатҳларда акс этган аксиологик, миллий-маданий, лисоний хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифий, функционал-семантик, ассоциатив ва концептуал, прагматик ва лингвокультурологик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мумтоз бадиий матнлар асосида шарқона “гўзаллик” тушунчасининг миллий-этник, эмоционал-экспрессив хусусиятлари, белгиланган давр бадиий матнларида “гўзаллик” концепти асосан илоҳий ёки мажозий ишқ воситасида воқеланиши, гўзаллик эталони ошиқ нуқтаи назаридан субъектив баҳо доирасида асосланган;

ўзбек мумтоз матнларида “гўзаллик” концептининг когнитив, ассоциатив-вербал нуқтаи назардан намоён бўлиши, “гўзаллик” концепти семантик майдонининг ядросига тааллуқли от-лексемалар ва перифериядаги сифат ва феъллар аниқланиб, инсон ва наботот, инсон ва ҳайвонот қиёсида ассоциатив боғланишлар табиати далилланган;

“гўзаллик” концептининг лисоний воқеланишида жонивор номлари (зоонимлар), ўсимлик номлари (фитонимлар), диний антропонимлар, илоҳий тимсоллар, барқарор услубий хос сўзлар ва ижтимоий мавзуларга оид лисоний бирликлар миллий-маданий хусусиятларининг концептуал жиҳатлари очиқ берилган;

“гўзаллик” тушунчаси мавзуй жиҳатдан табиат гўзаллиги ва инсон гўзаллигига ажратилиб, инсон гўзаллигида аёл гўзаллигининг ўрни очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Эски ўзбек адабий тилида эстетик қадриятлар ва субъектив баҳо ифодаланишининг ўзига хос хусусиятлари, лексик, фразеологик бирликларнинг деривацион жиҳатларига хос таҳлиллар натижасида оламнинг эстетик-миллий манзарасига хос поэтик жиҳатлар ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги XV аср ўзбек адабиёти намуналари асосида “гўзаллик” концептосферасига кирувчи концептлар ва уларнинг лексик-семантик майдонидаги бирликлар аниқланиб, уларнинг умумий семалар асосида ассоциатив-вербал боғланиши ҳамда тасаввурдаги гўзаллик компонентларининг тилда воқеланиши, поэтик матнларнинг когнитив хусусиятлари таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади. Бунда миллий-этник хусусиятлар ва эмотив баҳо мезонларининг устуворлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвопоэтика, лингвокультурология, когнитив лингвистика соҳаларини такомиллаштириши, ўзбек тилшунослигида мумтоз поэтик матнларнинг когнитив-прагматик ва миллий-эстетик хусусиятларини тадқиқ этиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, жумладан, мумтоз бадий матнда концептларнинг вербаллашувига оид билимларни бойитиш ва тўлдиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан антропоцентрик лингвистика, концептология, когнитив лингвистика, лингвопоэтика, лингвокультурология каби соҳалар учун яратиладиган монография, дарслик ва ўқув қўлланмаларини илмий жиҳатдан мукамаллаштиришда, махсус терминологик тизимнинг яратилишида, бадий нутқ услуби билан боғлиқ маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XV асрга оид бадий матнларнинг поэтик хусусиятлари, эмоционал-эстетик қадриятларнинг матнлардаги ифодасини тадқиқ қилиш натижасида олинган илмий маълумотлар асосида:

ўзбек мумтоз матнларида “гўзаллик” концептининг когнитив, ассоциатив-вербал нуқтаи назардан намоён бўлиши, “гўзаллик” концепти семантик майдонининг ядро ва перифериялари аниқланиб, ассоциатив боғланишлар табиати борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г006 рақамли “Қорақалпоқ халқ кўшиқлари кўлөзма нусхаларини текстологик таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлаш” (3-жилд) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 17.09.2021 йилдаги 17.01/230-сонли маълумотномаси). Натижада, кўлөзма нусхалар таҳлили миллий-этник маданиятга оид илмий маълумотлар билан бойитилган;

“гўзаллик” концептининг лисоний воқеланишида жонивор номлари (зоонимлар), ўсимлик номлари (фитонимлар), диний антропонимлар, илоҳий тимсоллар, барқарор услубий хос сўзлар ва ижтимоий мавзуларга оид лисоний бирликлар миллий-маданий хусусиятларининг концептуал жиҳатларига оид натижалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-

тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 рақамли “Қорақалпоқ нақл ва мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 3 февралдаги 17.01/21-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ халқ кўшиқларининг кўлөзма манбалари таҳлили бадиий матнларда қўлланилган лексик бирликларнинг семантик хусусиятлари билан бойитилган;

мумтоз бадиий матнлар асосида шарқона “гўзаллик” тушунчасининг миллий-этник, эмоционал-экспрессив хусусиятлари, белгиланган давр бадиий матнларида “гўзаллик” концепти, асосан, илоҳий ёки мажозий ишқ воситасида воқеланиши, гўзаллик эталони ошиқ нуқтаи назаридан субъектив баҳо доирасига оид тадқиқот материалларидан “O`zbekiston” телерадиоканали ва унинг таркибидаги “O`zbekiston tarixi” телеканалда “Такдимот”, “Ўзликка йўл”, “Зиёли минбари” кўрсатувларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилди. (“O`zbekiston” телерадиоканалининг 2022 йил 25 мартдаги 02-13-650-сон маълумотномаси), “Yoshlar” телерадиоканалининг 2022 йил 8 март куни эфирга берилган “Биз томонларда...” кўрсатувида фойдаланилган. Унда XV аср мумтоз адабиётининг эстетик хусусиятлари ҳақида сўз юритилди (“Yoshlar” телерадиоканалининг 2022 йил 25 мартдаги 14-01-94-сон маълумотномаси). “Mening yurtim” телерадиоканалининг 2022 йил 10 март куни эфирга берилган “Худуд” кўрсатувида фойдаланилган (“Mening yurtim” телерадиоканалининг 2022 йил 26 мартдаги 263/22-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларнинг ўзбек мумтоз бадиий матнлар тилини, адабиётини, тарихимизни ёш авлодга чуқур сингдиришда, уларни миллий маданиятимиз, мумтоз адабий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти янада ортди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-назарий анжуманларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган. Шулардан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиймати, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқотнинг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Антропоцентрик лингвистика ва концепт муаммоси”** деб номланади ва унда тилшуносликда янги йўналиш бўлган антропоцентрик лингвистика, когнитивлик ва концепт масалаларининг ўрганилиши ҳақида фикр юритилади.

Тилшунослар 2010 йиллардан ҳозиргача бўлган даврни тилга антропоцентрик ёндашув босқичи сифатида талқин қила бошладилар. Тилшуносликда антропоцентрик тилшунослик (ёки антропоцентрик парадигма, неолингвистика) соҳасининг шаклланиши тил эгаси – сўзловчи шахс омилини тадқиқ этиш билан боғлиқдир.

Замонавий когнитив тилшуносликнинг вужудга келиши америкалик олимлар Ж.Лакофф, Р.Лангакер, Р.Жакендофф ва бошқаларнинг илмий изланишлари билан боғланади. Рус тилшуносларидан Н.Н.Болдирев, Е.С.Кубрякова, В.А.Маслова сингари олимлар когнитив тилшунослик бўйича тадқиқот олиб борганлар. Ўзбекистонда Ш.С.Сафаров, Д.У.Ашурова, А.Э.Маматов, Ғ.М.Ҳошимовлар бу йўналишни бошлаб бердилар.

Ҳозирги замон тилшунослигида “концепт” термини дунё ҳақидаги билимларни намоён этиш шаклларида бири сифатида ишлатилади. “Концепт” атамасини фанга дастлаб ўрта асрлар концептуализми давридаги У.Гоббс, П.Абельяр, У.Оккам каби файласуфлар олиб кирган бўлиб, уларнинг фикрича, концепт – нарсаларнинг белгиларини умумлаштирувчи ва онг томонидан унинг ички фойдаланиши учун гавдалантирилган, ўзида муҳим ва долзарб ахборотни жамлаган универсал омиллардир. Шу кунга қадар концепт ҳақида турлича фикрлар, таърифлар ва уларни ўрганишга доир ёндашувлар мавжуд.

Сўнгги даврларда ўзбек тилшунослигида ҳам концепт ҳақида муҳим маълумотлар юзага кела бошлади. Бу масалада Ш.Сафаров, А.Нурмонов, Ў.Юсупов, А.Абдуазизов, А.Маматов, Д.Ашурова, М.Джусупов, М.Галиева, Д.Агзамова, Д.Худайберганова Н.Тўхтаўжаева Б.Менглиев, З.Холмонова каби олимларнинг ишларидаги фикр-мулоҳазалар характерлидир. Ш.Сафаровнинг фикрича, концепт тафаккур бирлиги бўлиб, унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади¹⁰. Шунингдек, концептнинг кўп қатламли ва кўп қиррали ментал тузилма эканлиги

¹⁰ Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.16.

тилшунослар томонидан эътироф этиб келинган. Чунки у бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *концепт* инсоннинг оламни идрок этишида фаол ҳаракатланувчи, унинг онгида ментал тарзда намоён бўладиган, тил эгаларининг дунёқараши, миллий-этник хусусиятларини ўзида акс эттирувчи бирликдир. *Тушунча* – предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикр бўлиб, уларнинг умумий ва аҳамиятли белгиларини акс эттиради, *концепт* эса бирор жиҳати билан умумийлик касб этган тушунчалар йиғиндисидан иборат бўлиб, шундай бир ғояки, у нафақат мавҳум, балки аниқ-ассоциатив ва эмоционал-баҳоловчи белгиларни ҳам қамраб олади.

Гўзаллик – эстетик тушунча бўлиб, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди. Хунукликнинг акси. Гўзаллик билан боғлиқ хилма-хил назариялар, қарашлар ва таълимотлар мавжуд. “Гўзаллик” концепти ҳам оламнинг лисоний манзараси ва идроки билан боғлиқ лисоний-ментал тушунча саналади.

Дунё тилшунослигида “гўзаллик” концептига бағишланган тадқиқотларда табиат гўзаллиги, аёл ва эркакка хос гўзаллик, шунингдек, болалар гўзаллиги ҳақида сўз боради. Гўзаллик” концептининг мазмуний структурасини икки гуруҳга – табиат ва инсон гўзаллиги тематик гуруҳларига ажратиш тамойилини ўзбек мумтоз адабиётига ҳам татбиқ этиш мумкин. Диссертацияда инсон гўзаллиги гуруҳини эркак гўзаллиги ва аёл гўзаллиги кичик гуруҳларига ажратиб ўрганилган.

Ўрта Осиё мутафаккирлари гўзалликни ислом ақидалари руҳида идрок этсалар-да, гўзалликнинг мураккаб маънавий жараён эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилганлар. Унга кўра, жамики гўзалликлар манбаи – Мутлақ Илоҳ, воқеликдаги гўзалликлар – Илоҳ жамолининг акси. “Жамол”, “жалол”, “поклик”, “мусаффолик”, “зийнат” сингари иборалар тасаввуф таълимотида гўзалликка муқояса қилинади. Тасаввуф ахлоқининг тамал тоши, асоси, пойдеворида қалб гўзаллиги, юксак ақл бор.

Ўзбек мумтоз бадиий матнларида табиат гўзаллиги билан боғлиқ тасвирлар мавжуд. Баҳор тасвири Юсуф Хос Ҳожибдан бошлаб ёзма адабиётдан ўрин олиб келган: *Тузардин эса келди ўнгдун эли Ажун этгука ачти уштмах, йўли (Шарқдан аввал баҳор насими эсиб келди, Оламни безаиш учун жаннат йўлини очди)*. Туркий халқлардаги эркаклар гўзаллигининг лингвопоэтик талқини илдизлари V-VII асрлардаги қадимий ёдгорликларга бориб тақалади. Саркарда, ҳоқоннинг яқин маслаҳатгўйи Тўнжук нафақат ёвқур, ботир жангчи, қаттиққўл, таптортмас ва тажрибали саркарда, балки ўз даврининг билимдон кишиси ҳамдир.

Эркаклар таърифида Юсуф алайҳиссалом, Рустами достон, Алпомиш сингари афсонавий тимсоллар билан қиёсланувчи эстетик баҳо мезонлари

ҳам мавжуд. Эркак жинсидаги одамларга нисбатан қўлланиладиган “полвон” лексемаси “лингвокультурема сифатида ўзбек халқига хос “алп қомат”, “кенг елка”, “бақувватлик” белгиларини ифода этади”¹¹.

Таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиётда ҳар қандай гўзаллик *аёл* тимсоли билан боғланади. “Гўзаллик” тушунчаси асосан, ёрга (тасаввуфий шеъриятда Оллоҳга), аёлга бўлган меҳр-муҳаббат заминиде юзага келган, дейиш мумкин. Ўзбек халқининг миллий-этник қадриятлар образли майдонида аёл гўзаллигининг шарқона, ўзбекона эталони яратилган бўлиб, у ҳар бир давр адабиётининг лингвопоэтик хусусиятларида ўз ифодасини топган.

“Мумтоз бадий матнларда “гўзаллик” концептини воқелантирувчи луғавий бирликлар” деб номланган иккинчи бобда гўзалликнинг метафора, синекдоха каби когнитив механизмлар воситасида, шунингдек, турли луғавий бирликлар, фитонимлар, зоонимлар орқали воқеланиши хусусида фикр юритилади.

Ўзбек мумтоз адабиётида “гўзаллик” концепти, асосан, аёл тимсолида вербаллашар экан, унинг лисоний ифодасини кучли экспрессив бўёқдорлик фониде акс эттириш орқали гўзалликнинг идеал эталони яратилади. “Гўзаллик” концепти “аёл”, “ишқ-муҳаббат”, “табиат”, “инсон” каби концептлар билан бир концептосфера доирасига киради. *Чирой, ҳусн, жамол* каби лексемалар концепт ядросини; *чиройли, гўзал, ҳусндор, соҳибжамол, мафтункор, жозибадор, келишган, кўркам, бенуқсон, мукамал, тоза, пок; ҳайратга солувчи, завқ берувчи, илҳом берувчи: ишқ-муҳаббат, висол, ҳижрон, лаззат, соғинч, қувонч, азоб, орзу, ошиқ* сингари бирликлар турли даражадаги периферия қатламларини ташкил этади.

Кейинги йилларда тил бирликларининг когнитив жиҳатида катта эътибор қаратилиб, бу соҳада олиб борилаётган изланишларда мавжуд тил бирликларининг инсон томонидан қайта англаниши натижасида пайдо бўлаётгани илмий асослаб берилди. “Ж.Лакофф ва М.Жонсон метафорик ҳосила маънонинг пайдо бўлишида икки когнитив майдон, яъни *манба майдони* ҳамда *мақсад майдони* иштирок этишини кўрсатадилар. Манба майдони инсоннинг тажрибаси орқали борлиқни идрок этишидаги аниқ билимлар йиғиндисиدير. Мақсад майдони эса нисбатан кам ойдинлашган, аниқланиши муқаррар билимдир”¹². Лутфий байтидан келтирилган қуйидаги мисолда *юз, соч* ва *ёноқ* гўзаллиги бир майдон доирасидан иккинчи майдон доирасига кўчирилган белгилар (ранглар) асосида вербаллаштирилади:

Ул оразу рухсор ила зулфи, энги лола,

Ойдинда ётур гул уза бир ҳинду узола (“Ул оразу рухсор ила”).

Идрокда мавжуд *ойдин, гул, ҳинду* ҳақидаги тасаввурлар асосида янги билимлар ҳосил қилинади. Ушбу метафорик ифодани когнитив майдонлар доирасида шундай таҳлил қилиш мумкин:

¹¹ Кадирова Б.Р. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фан. б-ча фалс. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б.15.

¹² Юлдашев А.Г.Кўчма маъноли сўзларда когнитив механизмларнинг ўрни // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал journal.fledu.uz № 3/2019. – Б.60.

Манба майдони		Мақсад майдони	Кўчирилган белги
<i>фазо</i>	<i>ойдин</i>	<i>ораз (юз)</i>	<i>оқ ранг</i>
<i>инсон</i>	<i>ҳинду</i>	<i>зулф</i>	<i>қора ранг</i>
<i>ўсимлик</i>	<i>лола</i>	<i>энг (ёноқ)</i>	<i>қизил ранг</i>

Мумтоз бадий матнларда қимматбаҳо тош номлари (садаф, дур, инжу, феруза, ёкут, лаъл), либос номлари (қабо, бурқаъ, пирохон, рўмол), гастрономик бирликлар (шакар, асал, сув, гулоб, бода, май), шахс отлари (рақиб, ошиқ, ёр, гадо, дарвеш, подшоҳ, қул, жаллод, кофир, ҳабаш, ҳинду), самовий жисмлар (ой, қуёш, юлдузлар, сайёралар), нарса-буюм номлари (шам, мушк, зуннор, қалам, жоруб, новак, ўқ-ёй), жой номлари (Яман, Чин, Хўжанд, Туркистон, Ҳинди, Канъон, чўл, чаманзор, боғ), диний-афсонавий бирликлар (малак, хур, зоҳид, пари) ва араб алифбоси ҳарфлари шакллардан фойдаланиш орқали, ўсимлик номини билдирувчи лексемалар (зоонимлар), жонивор номини билдирувчи лексемалар (фитонимлар) воситасида муайян эстетик баҳо компонентлари уйғунлаштирилиб, яхлит гўзаллик концепти вербаллаштирилган.

Ғазалларда маъшуқа юзи, кўзи, қоши, қомаги, шаклу шамойилини таърифлашда арабий ҳарфлардан фойдаланиш анъанаси мавжуд. Бунда қомаг “алиф”га, қош “нун”га, соч “жим”га қиёсланади:

“Жим” зулфинг, “нун” қошинг қасди жон айлаб эди,

Боқи бўлсин, лутф этиб кирди “алиф” қаддинг аро (Атойи, “Мужда берди...”). Яъни, сочинг жингалаги (“жим”) ва қошинг қайрилмаси (“нун”) жонимга қасд қилган эди, тик (“алиф”) қаддинг раҳми келиб (лутф этиб) жонимни асраб қолди (боқий қилди). Яъни бунда “жим” ва “нун” орасига “алиф” кириб, “жон”(جان) сўзини ҳосил қилиши назарда тутилган.

Лингвопоэтикада гўзаллик тасвирини ўсимлик номини билдирувчи лексемаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мумтоз шеърятда ёрнинг юзини гулга, қад-қомагини сарв дарахтига, лабини ғунчага, пистага, сочларини сумбулга, ёноқларини лолага, кўзларини, қовоқларини бодомга, киприкларини майсага ўхшатиш орқали гўзаллик ифодалаш анъанавий тасвир усулларидандир.

Писта лексемаси оғиз кичиклигини ифодалаш учун қўлланилади. Сабаби, шарқона гўзаллик эталонида оғизнинг кичиклиги хушбичимлик ва гўзаллик белгиси ҳисобланади. *Ўсимлик+одам* концептосферасига кирувчи ранг, шакл ва ҳажм белгилари гўзалликни воқелантиради. Лутфийнинг қуйидаги байтида пистага ҳажмдан ташқари ҳолат ифодаси ҳам юкланади:

Ҳайратда қолиб писта оғиз очти-ю, қолди,

Мажлисда чу оғзинг соридин кечти ҳикоят (“Хат қилди юзунг...”). Пистанинг оғизга қиёсланишида ҳар иккала концептга тегишли бўлган *кичиклик* ва *очиқлик* белгиси субъект тафаккуридаги тасаввурни вербаллаштириб, шоирнинг гўзал ёр ҳуснига берган эмоционал баҳосини ифодалайди.

Гул лексемаси гўзаллик таърифида энг кўп ишлатиладиган бирликдир. Чунки гулнинг ташқи кўриниши ва хусусиятлари (хиди, ранги, шакли, нозиклиги, парваришга муҳтожлиги, инсонга завқ бериши) субъект идрокидаги гўзаллик андазаларига мос тушади.

То юзунгинг васфини Лутфий битти, дафтари —

Бўлди рангину насими гул келур авроқдин (Лутфий, “Дилбаро, синдурма аҳду...”). Байтда ёр тавсифи битилган дафтар гул рангига кириб, вароқларидан гул хиди келиши тавсифланади. Гўзаллик ифодалашнинг бу усулида ранг ҳамда хид белгиси орқали уйғунлаштирилган *юз* ва *гул* одам ва ўсимликка оид лексемаларнинг ўзаро ассоциатив-вербал ифодасига асос бўлмоқда. Фақат бу белгилар тўғридан-тўғри эмас, балки битиклар(васф) воситасида кўчирилади. *Гул* лексемаси ҳам рангни, ҳам хидни ифодалаб, ошиқнинг баҳо даражасини вербаллаштиради. Бу тасвири лексик аспектда қўйидаги схема орқали ифодалаш мумкин:

(одам + гул)+дафтар=ранг ва хид, —>ёқимли—> гўзаллик.

Гўзаллик деталларини яратишда тасвири динамик жараёнда ифодалаш ҳам концепт вербализациясини мукамаллаштиради:

Севингандин гул ўз тўнига сиғмас,

Ким, они юзунга нисбат қилурлар (Лутфий, “Қароқларингки...”).

Мазмуни: *гул (гунча) севинганидан ўз тўнига сиғмай очилиб кетяпти*, чунки *уни сенинг юзингга ўхшатяптилар*. Халқ тилида “севиниб кетди” деган маънони кучлироқ ифодалаш учун “терисига сиғмай кетди” ибораси қўлланилади. Байтда ушбу фразеологик ибора 2 хил маънони ифодалаб келмоқда: 1) *гунча гулбарги (териси) га сиғмай, очилиб кетди – табиий ҳодиса, ҳаракат*; 2) “терисига сиғмай кетди” – *ибора* (“севиниб, яйраб кетди”). Лутфий ушбу лексик бирликдан ёр гўзаллигини кучли даражада ифодалаш учун фойдаланган.

Мумтоз адабиётимизда “гўзаллик” концептини лисоний воқелантиришда ҳайвонот номлари (зоонимлар)дан ҳам самарали фойдаланилган. Мумтоз шеъриятда кўз тасвирига алоҳида эътибор қаратилади. Табиатдаги оҳу, жайрон каби жониворлар кўзи тасаввурдаги идеал кўз билан маълум белгиларига кўра ассоциация ҳосил қилади. Шу сабабли шоирлар ўзларини ҳайратга солган жониворлар кўзини прототиплаштиради.

Кўзунгки, лолау насрин уза узола ётур,

*Хўтан чечаклари ичра магар **ғизола** ётур (Лутфий, “Кўзунгки...”)*.

Юқоридаги байтда лола ва насрин ўсимликларига тегишли ранг билдирувчи семалар – *қизиллик* ва *оқлик* ёр юзини ифодалаш билан бирга, Хўтан гулларининг ранги қизил ва оқ эканига ишора қилинмоқда. Байтнинг иккинчи мисрасида синекдоха усули билан тасвир яратилган, яъни “гуллар ичида ётган оҳунинг ўзи эмас, балки кўзи” тарзида. Бутун (*ғизола*) орқали қисм (*кўз*) ифодасига урғу берилади. Ҳар икки лексеманинг мазмуний майдонига кирувчи “*қора*”, “*шахло*”, “*чиройли*” каби умумий семалар кўз ўрнида “*ғизола*” лексемаси қўлланилишига асос бўлади.

Бундан ташқари, мумтоз шеърятда ошиқ ҳолатини ифодалашда *булбул*, *лочин(шоҳбоз)*; маъшуқа лабига сифат беришда *ари*, *чивин*; соч таърифида *илон* зоонимлари орқали “гўзаллик” концептининг алоҳида компонентлари воқелантирилади.

Қуйидаги байтда *асалари* зооними воситасида маза-таъм ва шакл-шамойил билан боғлиқ гўзаллик деталлари яратилади:

Занбури асал оғзи тўла шаҳд эканинда

Ирнингни кўриб бемаза деб, бол тўқубтур (Лутфий, “*Кўзум назари токи...*”). Бу ўринда лаб *асал* лексемаси билан *таъм*, *ширин*, *ширали*, *мазали*, *ёқимли* семалари орқали ассоциациялашади. “Асаларининг лабни кўриб ўз асалидан воз кечиш”дек ҳолати белгининг юқори даражада кучлилигини ифодалайди.

Ёр қадди қоматининг, аниқроғи, белининг таърифида *ари* танасига қиёслаш шоирлар ижодида кўплаб учрайди. Атойининг:

Санингтек ҳусн ила ҳуру пари йўқ,

Лаб қанду асал, бели ари йўқ (Атойи, “*Санингтек ҳусн ила...*”),

байтида ёр белига хос хипчаликни арининг белига ўхшатиш, яъни шаклий қиёс мавжуд. Қадимдан аёл қомати гўзаллигининг таърифида белнинг ингичкалиги алоҳида эътироф этиб келинади. *Бел* лексемаси “*ингичка*”, “*нозик*” белгилари орқали *ёр* ва *ари* тана тузилишини тасаввурда туташтиради. Арининг тана кўриниши, яъни ўрта қисмининг ингичка бўлиши архиметафора (метафоранинг илк, бошланғич даври) сифатида тафаккурда мавжудлиги боис “*одам+ҳайвон*” концептосферасидаги “*тана-шакл*” майдонида жойлашган архиметафора фаоллашади. Субъект тафаккурида қарор топган мана шу шакл ёр бели билан ассоциатив тарзда уйғунлашиб, метафорик усулда “*нозик бел*” тасаввурини воқелантиради.

Ишнинг учинчи боби “**Мумтоз бадий матнларда “гўзаллик” концептини ифодаловчи лингвомаданий воситалар**” деб номланган бўлиб, унда “гўзаллик” концептининг турли лингвомаданий бирликлар, халқ урф-одатлари, илоҳий тимсоллар ва барқарор бирликлар воситасида воқеланиши ҳақидаги мулоҳазалар баён этилади.

Миллий маънавият, унинг рўёбга чиқишида муҳим ўрин тутадиган тил маданияти ва нутқ маънавиятининг ўзига хос хусусиятлари инсонларнинг лисоний-когнитив фаолиятида ўз аксини топади. Ўзбек лингвокултурасида қуёш ва ой ёруғлик манбаи бўлишдан ташқари, гўзал юз тимсолида ҳам идрок этилади. “Ой деса ойдаи, кун деса, кундай”, “ой юзли” каби фраземаларнинг пайдо бўлиши бунга ёрқин мисолдир.

Не ажаб етсанг Атойи бир тун ул ой васлина

Ким, ўтар етти фалактин ҳар саҳар оҳинг санинг (Атойи, “*Эй саодат матлағи...*”).

Б.Жалилов фикрича, “кўпчилик шоирлар ёр юзини ойга ўхшатсалар, айрим шоирлар ёр юзини ойга ўхшатмайдилар: ойнинг юзида доғ бор. Бу доғ ойга ҳазрати Жаброил қанотини урганда, қаноти теккан жой қорайиб

қолган”¹³ эмиш. Шоирлар мана шу доғ деталидан янги бадиий тасвир яратишда моҳирона фойдаланадилар:

*Қулларингдиндур ҳабашидин ўлжа тушган тўлун ой,
Тона олмас белгулук, чун юзида тамғоси бор* (Гадоий, “Улки жаннатдек...”).

Бу ўринда *ҳабаши* – қоралик тимсоли сифатида тун рамзини ифодалаган, ой (ўз маъносида) маҳбубанинг ҳабашдан олган ўлжаси, у буни инкор этолмайди, чунки юзида тамғаси бор. Байтни тушуниш учун қадимда қулларга тамға босиш каби одатдан хабардорлик талаб этилади ва матнда ой юзидаги доғга ишора ҳам бор. Матн мазмунидан “*Модомики, кўкдаги ой ҳам ёрга қул экан, демак, гўзалликда унинг тенги йўқдир*”, деган мазмун келиб чиқади.

Мумтоз бадиий матнларда ёр юзи “оппоқлик”, “нурлилик” белгилари орқали ойга; “гўзаллиги кўзни камаштирувчи” сифати билан қуёшга қиёсланишдан ташқари, Зухра юлдузи тимсолида кўз жозибadorлигини ифодалаш анъанаси ҳам мавжуд.

Афсонага кўра, осмон фаришталари Ҳорут ва Морут бир пайтлар фалакнинг гардиши билан Ерга тушиб, Зухра исмли қизни кўриб, севиб қолишади ва фириб йўли билан Зухра қизни осмонга олиб чиқиб кетади. Ҳорут ва Морутнинг бу қилиғи Худога ёқмайди, улар қаттиқ жазога мустаҳиқ этилиб, Зухра қиз осмондаги фаришталар қаторидан жой олади. Ҳорут ва Морут эса жазога биноан тагидан ўт пуркалиб турадиган Бобил жоҳи (қудуғи) узра ҳозиргача оёқларидан осилиб турар эмиш. Бу воқеалар шеъриятда Зухра тимсолининг пайдо бўлишига замин яратади.

Эй кўрк ховарида кўзи Зухра, юзи ой,

Хони жамоли ҳуснунга шоҳи фалак гадоӣ (Атойи, “Эй кўк ховарида”).

Бадиий нутқда халқнинг *урф-одати, қадриятлари* поэтик мақсадга сингдириб юборилади. Гадоий шеърида “ёр лаъли(лаби) нинг хаёли кўнглига меҳмон бўлгани ва у меҳмон жон таъма қилгани, ошиқ меҳмон истаган нарсани беришга тайёрлиги” куйидаги байтда баён этилади:

Жон учун лаълинг хаёли тушти кўнглум эвина,

Тортайн жонимни чун, қилди ани меҳмон тамаъ (Гадоий, “*Хаста кўнглумга*”). Байтда “жон” ва “лаъл” қизиллик белгиси билан ассоциациялашади ва “жон” лексемаси семантик доирасидаги “қон” семасига ҳам ишора қилинади. Демак, лаъл(ёр) хаёли – меҳмон, таоми (тамаъси) – жон. Одатга кўра, меҳмон талаби бажо келтирилиши керак.

Мумтоз шеъриятда кўз тавсифида “жоду” ва “соҳир” сўзларига кўпроқ урғу берилади. Бу сўзлар кўпинча *Кашир* топоними билан ёнма-ён қўлланади:

Кўзларингни туш кўриб, сўрсам муаббир дер менга:

“Бу тушинг таъбирини сўр соҳири Каширдин!” (Атойи, “*То мусаввир бўлди*”).

¹³ Жалилов Б. Диний-маърифий мавзуларнинг бадиий адабиётдаги талқини. – Тошкент, 2010. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-34857.html>. – Б.98.

Ривоятларга кўра, Кашмир деган жойни Сулаймон пайғамбар барпо қилган бўлиб, у ернинг аёллари кўзларининг тим қора ва мафтункор, сеҳрловчи эканлиги билан машҳур бўлган. Улар шўх-шаддод, рақс тушишга уста, яна фолбинлик ва башоратчилик ҳам қилганлар. Бу нақллар араб ва форс-тожик назмига сингиб борган ва жозибатор кўз тимсолига айланган.

Гўзаллик белгиларидан бири покликдир. Қуйидаги байтда ёрнинг қутлуғ оёғи теккан ерга элнинг сажда қилиши маъшукани илоҳийлик даражасига кўтаради:

Қутлуғ аёгинг ерга тегибдур, онинг учун

